

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИНСТИТУТИ**

ИГАМБЕРДИЕВ АНВАРЖОН УКТАМОВИЧ

**ТУПРОҚҚА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРУВЧИ
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ПУШТА ОЛГИЧИНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Игамбердиев Анваржон Уктамович

Тупроққа минимал ишлов берувчи комбинациялашган агрегат пушта
олгичининг параметрларини асослаш..... 3

Игамбердиев Анваржон Уктамович

Обоснование параметров гребнеделателя комбинированного агрегата для
минимальной обработки почвы 19

Igamberdiev Anvarjon Uktamovich

Justification of the parameters of the comb maker of the combined unit for
minimal tillage 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИНСТИТУТИ**

ИГАМБЕРДИЕВ АНВАРЖОН УКТАМОВИЧ

**ТУПРОҚҚА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРУВЧИ
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ПУШТА ОЛГИЧИНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T813 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қшлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.uzmei.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бойметов Рустам Исаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Имомқулов Қутбиддин Боқижоновиц
техника фанлари доктори, к.и.х

Абдуваҳобов Дилшод Абдувоҳидович
техника фанлари бўйича PhD, доцент

Ётақчи ташкилот:


Қишлоқ хўжалиги техникаси ва
технологияларини сертификатлаш ва синаш
маркази


Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «30» апрел соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).


Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (447- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» апрел кунини тарқатилди.
(2021 йил «17» апрел даги №9 рақамли реестр баённомаси).




М.Т. Тошболтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор


А.А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.


А.Тухтақўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш ва тупроқ унумдорлигини сақлашга асосланган техника воситаларини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида қишлоқ хўжалик экинларини пушталарда етиштириш ҳар йили ўртача 120 млн. гектар майдонни ташкил этишини ҳисобга олсак»¹, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш билан бирга пушта оладиган техника воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Бу борада ривожланган хорижий давлатларда, жумладан АҚШ, Словение, Россия Федерацияси, Белоруссия, Хитой ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, бир ўтишда тупроққа ишлов бериш ва пушта олиш технологик жараёнларини амалга оширадиган комбинациялашган агрегатларни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахта далаларини, айниқса, ғўзапояли ёки ғўзапоядан тозаланган далаларни бир ўтишда пушта олиб чигит экишга тайёрлашнинг ресурстежам-кор технологиялари ва уларни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатларнинг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда ғўзапоясиз далаларни бир ўтишда пуштага экиш учун тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиясини яратиш, технологик жараённи сифатли амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг схемасини ишлаб чиқиш ва иш органларини тупроқ билан ўзаро таъсирлашишда ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли комбинациялашган агрегатларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш назарда тутилган, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан ғўзапоядан тозаланган далаларни пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатлар ҳамда машиналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим ҳисобланади.

¹ <http://www.nrcs.usda.gov>; <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459 сон «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида пушталар ҳосил қилишнинг ресурстежамкор технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар N.Lindholm (АҚШ), F.Vučajnk, M. Vidrih, R. Bernik (Словения), М.Г. Догановский, М.А. Путинцева, В.И. Черников, П.С. Нартов, С.П. Авакян, А.Ш. Григорян, Ф.М. Канарев (Россия Федерацияси) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда тадқиқотлар билан Г.М. Рудаков, С.П. Чирцов, Е.И. Пономарев, Р.И. Бойметов, А. Тўхтақўзиев, А.Н. Худоёров, Ф.М.Маматов, Б.М.Худаяров, С.Ж.Тоштемиров, Т.Х.Раззақов, Н.М.Комилов, М.М. Эргашев, Ш.У.Ишмурадов бошқалар шуғулланишган.

Бу тадқиқотлар асосида яратилган машина ва комбинациялашган агрегатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, бу тадқиқотларда ғўзапоярлардан тозаланган далаларни пуштали экишга тайёрлашда пушта олгичининг кам энергия сарфланган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-081 «Пахтачиликда тупроққа ишлов беришни минималлаш бўйича энергия-ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва комбинациялашган агрегатларни яратиш» (2006-2008) ва ҚХА-15-021 «Тупроққа ишлов беришнинг ноанъанавий тизими учун энергия-ресурстежамкор комбинациялашган агрегатларни такомиллаштириш» (2009-2011) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тупроққа минимал ишлов берадиган комбинациялашган агрегат пушта олгичининг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган тури ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пушта олиш технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситалари ҳамда уларга доир бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

комбинациялашган агрегат пушта олгичининг ишлаш шароитини (тупроқнинг намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги бўйича) ўрганиш;

комбинациялашган агрегат пушта олгичи конструкцияси ва турини танлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

комбинациялашган агрегат пушта олгичининг кам энергия сарфланган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрларининг асослаш;

комбинациялашган агрегат пушта олгичининг параметрлари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигини унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

тажрибаларни математик режалаштириш усулини қўллаб пушта олгич параметрларининг мақбул қийматларини асослаш;

асосланган параметрларга эга бўлган пушта олгичлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат дала синовларининг агротехника талабларига мослигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада ғўзапоядан тозаланган далалар, улар тупроғининг физик-механик хоссалари, комбинациялашган агрегат ва унинг пушта олгичи олинган.

Тадқиқотнинг предмети комбинациялашган агрегат пушта олгичининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар ҳамда комбинациялашган агрегатнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини у пушта олгичи параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, TSt 63.04.2001, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

комбинациялашган агрегат пушта олгичининг тури ва конструктив схемаси ишлаб чиқилган ҳамда унинг технологик иш жараёни асосланган;

комбинациялашган агрегат пушта олгичининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш ҳамда пушта олиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлар унинг параметрлари (диаметри, эгрилик радиуси, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги) ва ҳаракат тезлигини ҳисобга олган ҳолда олинган;

комбинациялашган агрегат пушта олгичи параметрларининг ўзгариш чегаралари сферик диск кесаётган тупроқ палахсасининг шакли ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда келтириб чиқарилган аналитик ифодалар асосида аниқланган;

пушта олгич параметрларининг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган мақбул қийматлари комбинациялашган агрегатнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини

баҳоловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

комбинациялашган агрегат пушта олгичининг агротехник талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминловчи тури ва параметрлари асосланган.

Ишлаб чиқилган пушта олгичлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатни далаларни пуштали экишга тайёрлашда қўллаш энергия ва ресурс сарфлари камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, комбинациялашган агрегат пушта олгичининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегат дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комбинациялашган агрегат пушта олгичининг кам энергия сарфланган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган пушта олгичлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат қўлланилганда агротехника талаблари даражасидаги пушталар ҳосил қилиниши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ҳамда фойдаланиш харажатларини камайтириш ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тупроққа минимал ишлов берувчи комбинациялашган агрегат пушта олгичининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзапояси юлиб олинган далаларда ерларни пуштали экишга тайёрлаш бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун дастлабки талаблар ва тупроққа минимал ишлов берадиган комбинациялашган агрегат конструкциясини лойиҳалашга техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 февралдаги 02/027-337-сон маълумотномаси). Натижада тупроққа минимал ишлов бериш орқали ерларни пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ғўзапояси юлиб олинган далаларда ерларни пуштали экишга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган тупроққа минимал ишлов берадиган комбинациялашган агрегат Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани, Тошкент вилояти Янгийўл ва Қуйичирчиқ туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 февралдаги 02/027-337-сон маълумотномаси). Натижада ишлов берилган қатламда ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори 82,4 фоиз, ҳосил қилинган пушталар баландлиги эса 24,7 см ни

бўлишига эришилган;

тупроққа минимал ишлов берадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Агромаш» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 февралдаги 02/027-337-сон маълумотномаси). Натижада тупроққа минимал ишлов бериб ерларни пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида ҳозирги кунга келиб республикамизда ерларни чигит экишга тайёрлаш бўйича қўлланилаётган технологиялар ва техника воситалари ҳамда комбинациялашган агрегатлар таҳлили, пушта олувчи машиналар ва уларнинг иш органлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар шарҳи келтирилган ва улар асосида тадқиқот вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги пайтда шудгорланган ерларни экишга тайёрлаш ишлари тишли ва дискли тирмалар ҳамда турли мола-текислагичлар ҳамда экиш олди текислагичлари воситасида алоҳида-алоҳида даладан кўп марталаб ўтишлар асосида амалга оширилмоқда. Бу тупроқнинг физик-механик хоссаларини ёмонлашуви, тупроқдан кўплаб нам йўқотилиши ҳамда ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ортиб кетишига олиб келади. Таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида тупроққа минимал ишлов бериб ерларни пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат (1-расм) ишлаб чиқилди.



1-расм. Комбинациялашган агрегатнинг иш жараёни

Комбинациялашган агрегат рама 1, уни тракторга осиш учун қурилма 2, устун, бошмоқ ва исканадан ташкил топган юмшаткич 3, ўғитлагич 4, пушта олгич 5, ўғит бункери 6 ва таянч ғилдираклар 7 дан ташкил топган. Иш жараёнида юмшаткичлар ғўзани суғориш учун ўтган мавсумда олинган эгатлар ичини 30-40 см чуқурликда юмшатади, ўғитлагич шу жойни қатламлаб ўғитлайди, пушта олгичлар эса шу юмшатилган жойларга ўтган мавсумдаги пушта

тупроғини ағдариб, янги пушталар ҳосил қилади.

Тупроққа минимал ишлов бериш орқали далаларни пушта экишга тайёрлаш технологик жараёнини бажарувчи комбинациялашган агрегат қўлланилганда тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов бериш бўйича барча агротадбирлар бир ўтишда бажарилиши туфайли шудгор остига минерал ўғитлар солиш, марза ва эгатларни текислаш, пушта олиш бўйича анъанавий кузги тадбирларни ўтказишга, баҳорда эса пуштага ишлов беришдан ташқари эрта баҳорги бороналаш, далаларни жорий текислаш, чизеллаш каби ишларни ўтказишга эҳтиёж қолмайди. Бунинг натижасида тупроқни экишга тайёрлаш бўйича кузги ва баҳорги экиш олди ишларини ўтказишга сарфланадиган харажатлар сезиларли даражада қисқаради.


Диссертациянинг «**Комбинациялашган агрегат пушта олгичи турини танлашнинг технологик асослари**» деб номланган иккинчи бобида комбинациялашган агрегат билан ишлов беришдан олдин тупроқнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва пушта олгич турини танлаш бўйича ўтказилган дастлабки тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Комбинациялашган агрегат қўлланиладиган далаларда аксарият ҳолларда ўтган мавсумдан сақланиб қолган эгат ва пушталар мавжуд бўлиб, пахта ҳосилидан бўшаган далаларда уларнинг чуқурлиги 14,7-20,4 см оралиғида, такрорий экинлардан бўшаган далаларда эса 11,6-19,4 см оралиғида бўлади. Пушта олгич ишлайдиган пахта ҳосилидан бўшаган далаларда 0-20 см қатламида тупроқ намлиги 10,7-12,5 фоиз оралиғида, зичлиги 1,41-1,45 г/см³ ва каттиқлиги 2,70-3,31 МПа оралиғида бўлади. Такрорий экинлардан бўшаган далаларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 15,8-16,3 фоиз, 1,35-1,39 г/см³ ва 2,14-2,83 МПа ни ташкил этади.

Ўтказилган таққослов синовларининг натижалари бўйича комбинациялашган агрегатда пушта олгич сифатида сферик дисklarни қўллаш кам энергия сарфлаган ҳолда тупроқни сифатли уваланиши ва баландлиги катта пушта олинишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, кейинги тадқиқотлар сферик диск параметрларини пушта ўлчамлари ва уни олишга сарфланаётган энергия миқдори таъсирини ўрганишга ва шу асосда сферик диск параметрларини асослашга йўналтирилди.

Диссертациянинг «**Сферик диск кўринишидаги пушта олгичнинг**

параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида сферик дисклар билан пушта олиш жараёни ёритилган, сферик диск кесаётган тупроқ палахсасининг шакли ва ўлчамлари аниқланган, тупроқ бўлақларининг диск ишчи сиртидаги ҳаракати тадқиқ этилган, пушта баландлиги ва пушта олгичнинг тупроққа ботиш чуқурлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.



2-расм. Сферик дисклар билан пушта олиш жараёнининг схемаси

Диск иш сиртида тупроқ бўлақлари мураккаб, яъни диск билан айланма ва унинг иш сирти бўйлаб нисбий ҳаракатда бўлади. Натижада диск иш сиртининг M_o нуқтасига келиб тушган тупроқ бўлағи S_a троектория бўйлаб абсолют ҳаракатда бўлиб, маълум вақтдан сўнг M нуқтага силжийди (3-расм).

Диск иш сиртидаги тупроқ бўлақларининг абсолют тезлиги нисбий V_n ва кўчирма V_k тезликларни геометрик йиғиндисидан иборат, яъни

$$V_a = \sqrt{V_n^2 + V_k^2 + 2V_n V_k \cos \varepsilon}, \quad (1)$$

бунда ε – V_n ва V_k лар орасидаги бурчак, градус.

Кўчирма тезлик дискнинг бурчак тизлиги ва тупроқ бўлақларини унинг иш сиртида жойлашган ўрнига боғлиқ бўлиб, уни куйидаги ифода билан аниқлаш мумкин


$$V_k = V_u \frac{R}{R_o} \cos \beta \sin \varphi, \quad (2)$$

бунда V_u – дискнинг илгариланма ҳаракатдаги тезлиги, м/с; R_o – диск радиуси, м; R – диск ишчи сиртини эгрилик радиуси, м; β – дискни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; φ – бўлақни диск ишчи сиртининг эгрилик радиуси бўйлаб бурилиш бурчаги, градус.

V_n тезликни аниқлаш учун тупроқ бўлақларини диск иш сиртидаги нисбий ҳаракатининг дифференциал тенгламасини тузиш ва ечиш лозим.

Диск иш сиртидаги тупроқ бўлақлари агрегатнинг илгариланма ҳаракати туфайли унга узлуксиз келиб тушаётган ва кўтарилаётган тупроқ оқимига таяниб


Комбинациялашган агрегат пушта олгичлари юмшаткич томондан юмшатиш ҳамда ўғитлагичлар ёрдамида ўғитланган қатлам устига ўтган йилги пушталар тупроғини суриб, янги пушталар ҳосил қилиб кетади. Бунда ҳар бир пушта бир-бирига қарама-қарши ўрнатиш иккита диск билан ҳосил қилинади (2-расм). Иш жараёнида дисклар тупроқ палахсаларини кесади, уларни иш сиртлари бўйлаб кўтаради ва ёнбош томонга отиб, пушта ҳосил қилади.



3-расм. Тупроқ бўлақларининг диск иш сирти бўйлаб ҳаракат схемаси

турганлиги туфайли унинг иш сиртида жойлашган тупроқ бўлаги M асосан R радиус ҳосил қилган ёй бўйлаб нисбий ҳаракатда бўлади (4-расм).

Таъсир этаётган кучларни ҳисобга олганда тупроқ бўлагининг R радиус ҳосил қилган ёй бўйича нисбий ҳаракатининг дифференциал тенгла-маси куйидаги кўринишда бўлади



4-расм. Тупроқ бўлақларига таъсир этувчи кучлар схемаси

$$\frac{d(\dot{\varphi}^2)}{d\varphi} + 2f_u \dot{\varphi}^2 = \frac{2g}{R} \cos \varphi \cos \varphi_0 + \omega^2 \sin 2\varphi - 2f_u \left(\frac{g}{R} \sin \varphi \cos \alpha_0 + \omega^2 \sin^2 \varphi \right), \quad (3)$$

бунда ω – дискнинг бурчак тезлиги, рад/с; m – тупроқ бўлагининг массаси, кг; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; f_u – диск материали билан тупроқ орасидаги ишқаланиш коэффиценти; α_0 – дискнинг тик ўққа нисбатан бурилиш бурчаги, градус.

$$V_u^2 = \dot{\varphi}^2 R^2 \quad \text{эканлигини ҳисобга}$$

олган ҳолда (3) тенгламани ечиб, тупроқ бўлагининг нисбий ҳаракатдаги тезлигини аниқлаш учун куйидаги боғлиқликни оламиз

$$V_u = \left\{ -e^{2f_u(\varphi_0 - \varphi)} \left[\frac{6f_u g R}{(1 + 4f_u^2)} \cos \varphi_0 \cos \alpha_0 + 2gR \left(\frac{1 - 2f_u^2}{1 + 4f_u^2} \right) \sin \varphi_0 \cos \alpha_0 + V_u^2 \frac{R^2}{R_0^2} \cos^2 \beta \left(\frac{\sin 2\varphi_0}{f_u} - \sin^2 \varphi_0 \right) \right] + \frac{6f_u g R}{1 + 4f_u^2} \cos \varphi \cos \alpha_0 + 2gR \left(\frac{1 - 2f_u^2}{1 + 4f_u^2} \right) \sin \varphi \cos \alpha_0 + V_u \frac{R^2}{R_0^2} \cos^2 \beta \left(\frac{\sin 2\varphi}{f_u} - \sin^2 \varphi \right) \right\}^{\frac{1}{2}}. \quad (4)$$

бунда $\varphi_0 - \varphi$ бурчакнинг чегаравий, яъни бўлагини дискдан тушаётган пайтдаги киймати, градус.

(2) дан V_k ва (4) дан V_u ларни кийматларини (1) ифодага қўйиб ҳамда тупроқ бўлақларини нисбий ҳаракати фақат R радиусли ёй бўйича бўлганда $\varepsilon = 90^\circ$ бўлишлигини эътиборга олиб, куйидагига эга бўламиз

$$V_a = \left\{ (V_u \cos \beta)^2 + \left\{ -e^{2f_u \left(\varphi_0 - \arcsin \frac{R_0}{2R} \right)} \left[\frac{6f_u g R}{(1 + 4f_u^2)} \cos \varphi_0 \cos \alpha_0 + 2gR \left(\frac{1 - 2f_u^2}{1 + 4f_u^2} \right) \times \sin \varphi_0 \cos \alpha_0 + V_u^2 \frac{R^2}{R_0^2} \cos^2 \beta \left(\frac{\sin 2\varphi_0}{f_u} - \sin^2 \varphi_0 \right) \right] + \frac{6f_u g \sqrt{R^2 - R_0^2}}{1 + 4f_u^2} \cos \alpha_0 + 2gR_0 \left(\frac{1 - 2f_u^2}{1 + 4f_u^2} \right) \cos \alpha_0 + V_u^2 \frac{R^2}{R_0^2} \cos^2 \beta \cdot \left[\frac{2R_0 \sqrt{R^2 - R_0^2}}{f_u R^2} - \left(\frac{R_0}{R} \right)^2 \right] \right\} \right\}^{\frac{1}{2}}. \quad (5)$$


(2), (4) ва (5) ифодалар диск иш сиртини исталган нуқтасида жойлашган

тупроқ бўлагининг кўчирма, нисбий ва абсолют тезликлари қийматини аниқлаш имконини бериб, берилган иш шароити учун тупроқ бўлақларининг диск иш сиртидаги ҳаракат тезликлари ва демак пушта ўлчамлари ва шакли агрегатнинг тезлигига, диск сфераси радиусига ҳамда диаметрига ва унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагига боғлиқлигини кўрсатади.

Тупроқ бўлақлари дискдан тушгандан сўнг бошланғич тезлик билан ҳавода эркин ҳаракат қилишга ўтади ва бироз муддатдан кейин агрегат юмшаткичи ишлов берган зонага келиб тушиб, пушта ҳосил қилади (5-расм).

5-расмда келтирилган схемага биноан дисклардан тушаётган тупроқ бўлақлари сифатли пушта ҳосил қилиши учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$y = V_u \frac{V_z + \sqrt{V_z^2 + 2[R_d(1 - \cos \alpha_r) - h]g}}{g} = \frac{B - 2R_d \sin \beta \sin \alpha_r}{2}, \quad (6)$$



5-расм. Сферик дисклар томонидан пушта ҳосил бўлиш шартини аниқлашга доир схема

бунда y – дискдан тушган бўлагини кўндаланг улоқтириш масофаси, м; B – пушталар орасидаги кўндаланг масофа, м.

(6) шарт бажарилганда тупроқ бўлақлари пушта ўртасига келиб тушиб, пушта уларни табиий тўкилиш бурчаги остида ёйилиши ҳисобига ҳосил бўлади. Бунинг натижасида турғун ва баландлиги катта бўлган пушта ҳосил бўлишига эришилинади.

(6) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар сифатли пушта ҳосил қилиш учун агрегатнинг ҳаракат тезлиги $V_u=1,95$ м/с, диск радиуси $R_d=0,278$ м ва уни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги $\beta=31^\circ$ бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Пушта олгичнинг тупроққа ботиш чуқурлиги h агротехника талаблари бўйича белгиланган баландликдаги пушта ҳосил бўлишини таъминлаш шартидан аниқланди ва қуйидаги ифода олинди

$$h = \frac{H_n \sqrt{k}}{1 + \sqrt{k}}, \quad (7)$$

бунда H_n – пуштанинг белгиланган баландлиги, см; k – тупроқнинг юмша-тилиш коэффиценти.

(7) ифодага H_n ни агротехника талаблари бўйича қийматини қўйиб (24 ± 3 см) ҳамда $k = 1,1$ этиб қабул қилиб, пушта олгичнинг тупроққа ботиш чуқурлиги 10,7-13,2 см оралиғида бўлишлигини аниқлаймиз.

Диссертациянинг «Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал тадқиқотлар дастури, экспериментал тадқиқотларни ўтказиш шароитлари ва усуллари ҳамда

уларнинг натижалари келтирилган.


Экспериментал тадқиқотлар қатор ораларининг кенглиги 90 см ли пахта ҳосилидан бўшаган ва ғўзапояси юлиб олинган майдонларда ўтказилди.

Тажриба ўтказилган далалар тупроғи ўрта-оғир соз механик таркибдаги бўз тупроқ бўлиб, ер ости сувлари 10-12 м чуқурликда жойлашган.


Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун комбинациялашган агрегатнинг конструкцияси ишлаб чиқилди ва унинг тажрибавий нусхаси ҳамда турли диаметрдаги пушта олгичлар тайёрланди.

Пушта олгич диаметрини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар диаметри 450, 550 ва 650 мм бўлган дисклар билан 6,0 ва 8,0 км/соат тезликларда ўтказилди.


Олинган натижалар 6-расмда келтирилган. Бу натижалардан кўришиб турибдики диск диаметрини 450 мм дан 650 мм гача ошиши тупроқнинг уваланиш сифатига сезиларли таъсир кўрсатмаган. Пушта баландлиги диск диаметри 450 мм дан 550 мм га ортганда ишлов берилган тупроқ ҳажмининг ортиши ҳисобига 2,7-3,8 см га ошган, 550 дан 650 мм га ортганда эса табиий тўкилиш ҳисобига ўзгармасдан қолган. Юмшатиш қатламнинг умумий калинлиги ҳам шунга мос равишда ўзгарган.




а)



б)



в)



з)


1, 2 – мос равишда 6,0 ва 8,0 км/соат ҳаракат тезликларида

6-расм. Тупроқнинг уваланиш сифати (а), пушта баландлиги (б), юмшатиш қатламнинг умумий калинлиги (в) ҳамда пушта олгичнинг тортишга қаршилиги (з) ни унинг диаметрига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Демак, юқорида таъкидлаганларни умумлаштириб, шуни айтиш лозимки, кам энергия сарфланган ҳолда баландлиги агротехника талабларига мос

келадиган пушталарни диаметри 550 мм бўлган пушта олгичлар билан ҳосил қилиш мумкин.

Пушта олгичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини унинг иш кўрсаткичларига таъсири ўрганиш бўйича тажрибаларда олинган натижалар 7-расмда келтирилган.



1, 2 – мос равишда 6,0 ва 8,0 км/соат ҳаракат тезликларида

7-расм. Тупроқнинг уваланиш сифати (а), пушта баландлиги (б), юмшатишган қатламнинг умумий баландлиги (в) ҳамда пушта олгичнинг тортишга қаршилиги (з) ни унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Олинган натижалар бўйича қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

- пушта олгичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 15° дан 40° гача ортиши билан тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланган, яъни пушта тупроғида ўлчами 100 мм дан катта ва 100-50 мм ораликдаги фракциялар миқдори камайган, ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар миқдори эса ортган. Бунинг таъкидлаган бурчакни ортиши иш органининг тупроққа кўрсатадиган таъсирини ортишига олиб келиши билан изоҳлаш мумкин, яъни иш органини тупроқ бўлакчалари билан таъсирлашиш вақти ва йўли ортади. Бунинг натижасида катта кесаклар янада майдаланиб, тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланишига олиб келади;

- пушта баландлиги ва юмшатишган қатламнинг умумий қалинлиги пушта олгичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 15° дан 30° гача ўзгарганда ҳаракат тезлиги 6 км/соат бўлганда мос равишда 10,5 см дан 30,5 см гача ва 54,5 см дан 70,0 см гача, 8 км/соат бўлганда эса 9,8 см дан 29,2 см гача ва 53,5 см дан 72,2 см гача ортган, 30° дан 40° гача ўзгарганда эса ўзгармасдан қолган;

- пушта олгичнинг тортишга қаршилиги унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги ортиши билан жадал суръатда ортиб борган:

6 км/соат тезликда 1,08 кН дан 4,82 кН гача, 8 км/соатда эса 1,14 кН дан 5,02 кН гача, чунки бу бурчак ортиши билан иш органи билан ўзаро таъсирда бўлган тупроқ ҳажми ортади ҳамда у ишчи юза бўйлаб янада баландроқ кўтарилади;

- агрегат ҳаракат тезлигини 6,0 км/соат дан 8,0 км/соат гача ортиши юқорида таъкидланган сабаблар туфайли тупроқнинг уваланиш сифатини яхшиланишига ҳамда иш органининг тортишга қаршилигини ортишига олиб келган, пушта баландлиги ва юмшатирилган қатламнинг умумий қалинлигига сезиларли таъсир кўрсатмаган.

Пушта олгичнинг назарий тадқиқотлар ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг биргаликдаги мақбул қийматларини аниқлаш учун экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб V_3 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Кўйидаги жадвалда омиллар, уларнинг шартли белгиланиши ҳамда вариацияланиш оралиқлари келтирилган. Улар бўйича ўтказилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли экспериментлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланди.

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори, ҳосил қилинган пуштанинг баландлиги ҳамда пушта олгичнинг тортишга қаршилиги олинди.

Тажрибалар тасодифий сонлар жадвалидан фойдаланиб ўтказилди ҳамда барча вариантлар учун ишлов бериш чуқурлиги 12 см этиб белгиланди.

Тажрибаларда олинган маълумотларга Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг экспериментларни режалаштириш лабораториясида ишлаб чиқилган «регрессион таҳлиллар» дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия коэффицентлари қийматини баҳолашда Стюдент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди.

Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш оралиғи ва сатҳи

| № | Омилларнинг номланиши | Ўлчов бирлиги | Белгиланиши | Оралиғи | Омиллар сатҳи | | |
|----|--|---------------|-------------|---------|---------------|-----|-----|
| | | | | | -1 | 0 | +1 |
| 1. | Пушта олгич дискнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги | градус | X_1 | 10 | 20 | 30 | 40 |
| 2. | Пушта олгич дискнинг диаметри | мм | X_2 | 100 | 450 | 550 | 650 |
| 3. | Агрегатнинг ҳаракат тезлиги | км/соат | X_3 | 1,5 | 5,0 | 6,5 | 8,0 |

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват тавсифловчи кўйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_K = 78,833 + 0,986X_1 + 0,087X_2 + 1,579X_3 - 1,799X_1^2; \quad (8)$$

- ҳосил қилинган пуштанинг баландлиги бўйича (см)

$$Y_h = 28,172 + 7,453X_1 + 1,197X_2 - 1,100X_3 - 6,477X_1^2 - 2,027X_2^2; \quad (9)$$

- пушта олгичнинг тортишга қаршилиги бўйича (кН)

$$Y_P = 2,624 + 1,467X_1 + 0,360X_2 + 0,391X_3 + 0,480X_1^2 + 0,065X_3^2. \quad (10)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган. Пушта олгич дискининг ўрнатилиш бурчагини ортиши тупроқнинг уваланиш даражасини олдин ортиб, сўнг камайишига, ҳосил қилинган пуштанинг баландлиги ва иш органининг тортишга қаршилигини ошишига олиб келган. Пушта олгич дискининг диаметрини ортиши билан тупроқнинг уваланиш даражаси деярли ўзгармаган, ҳосил қилинган пуштанинг баландлиги дастлаб ортган, кейин эса камайган, иш органининг тортишга қаршилиги эса ортиб борган.

Тезлик ортиши билан эса тупроқнинг уваланиш даражаси ва иш органининг тортишга қаршилиги ортган, пуштанинг баландлиги эса камайган.

(8)-(10) регрессия тенгламалари « Y_K » мезон 75 фоиздан кам бўлмаслиги, « Y_h » мезон камида 24 см бўлиши, « Y_P » мезон эса минимал қийматга эга бўлиш шартидан ечилиб ва бунда агрегатнинг тезлиги 6,0-8,0 км/соат оралиғида бўлганда пушта олгич қуйидаги параметрларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: $\beta=28-33^\circ$ ва $D=515-570$ мм.

Диссертациянинг «**Комбинациялашган агрегатнинг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган дискли пушта олгич билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат тажриба нусхасининг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Синовлар Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани, Тошкент вилояти Янгийўл ва Қуйичирчиқ туманлари фермер хўжалиқларининг қатор ораларининг кенглиги 90 см бўлган пахта ҳосилидан бўшаган ва ғўзапоядан тозаланган далаларида ўтказилди.

Комбинациялашган агрегат эгат ичини ўртача 35,5 см чуқурликда юмшатган (агротехника талаблари бўйича 30-40 см) ва уни устида 25,6 см баландликдаги пушталар ҳосил қилган (агротехника талаби бўйича 24 ± 3 см). Бунда тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори 82,4 фоиз бўлган (агротехника талаби бўйича бу миқдор 75 фоиздан кам бўлмаслиги лозим), тупроқнинг умумий юмшатирилган қатлами чуқурлигини вариацияланиш коэффициенти 7,2 фоизни ташкил этди (агротехника талаби бўйича бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмаслиги лозим).

Олинган натижалар ва уларнинг ҳисоблари шуни кўрсатадики, тавсия этилаётган параметрга эга бўлган пушта олгич билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат қўлланганда тупроққа ишлов беришдаги меҳнат сарфини 38,9 фоиз, эксплуатацион харажатларини эса 24,7 фоизга камайтириш имконини беради. Бунда битта агрегатга йиллик иқтисодий самара

ХУЛОСА

«Тупроққа минимал ишлов берувчи комбинациялашган агрегат пушта олгичининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чигит экиш учун далаларни тайёрлашда ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ҳамда тупроққа қишлоқ хўжалик техникалари томонидан кўрсатиладиган салбий таъсирни камайтириш ва пахта ҳосилини оширишга тупроққа минимал ишлов бериш орқали далаларни пушталаи экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш ва қўллаб эришиш мумкин.

2. Комбинациялашган агрегат билан ишлов берилаётган даврда пахта ҳосилидан бўшаган далаларнинг пушта олгич ишлайдиган 0-20 см қатламида тупроқ намлиги 10,7-12,5 фоизни, зичлиги 1,41-1,45 г/см³ ни ва қаттиқлиги 3,70-3,31 МПа ни, такрорий экинлардан бўшаган далаларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 15,8-16,3 фоиз, 1,35-1,39 г/см³ ва 2,14-2,83 МПа ни ташкил этади.

3. Таққослов синовларининг натижалари бўйича комбинациялашган агрегатнинг пушта олгичи сифатида сферик дискларни қўллаш кам энергия сарфланган ҳолда тупроқни сифатли уваланиши ва баландлиги агротехник талаблар даражасида бўлган пушта олиниши имконини беради.

4. Сферик дисклар кўринишидаги пушта олгичнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичлари уларнинг диаметри, эгрилик радиуси, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, агрегат ҳаракат тезлиги, тупроққа ботиш чуқурлиги ҳамда тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ.

5. Пушта олгичнинг тупроққа ботиш чуқурлигини 10,7-13,2 см бўлиши баландлиги агротехника талабларига мос пушталарни ҳосил қилиш имконини беради.

6. 6,0-8,0 км/соат ҳаракат тезликларида дискларнинг диаметри 515-570 мм, уларни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 28-33° оралиғида бўлиши минимал энергия сарфлаб, тупроқнинг уваланиш даражаси ва баландлиги агротехника талабларига мос пушталарни олишни таъминлайди.

7. Тавсия этилаётган параметрларга эга бўлган пушта олгичлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат далаларни пушталаи экишга тайёрлашда қўлланганда эксплуатацион харажатларни 24,7 фоизга камайтириш имконини беради. Буни эвазига битта агрегатга 22765531 сўм йиллик иқтисодий самара олинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

ИГАМБЕРДИЕВ АНВАРЖОН УКТАМОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ГРЕБНЕДЕЛАТЕЛЯ
КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА ДЛЯ МИНИМАЛЬНОЙ
ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Гульбахор – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/T813.

Диссертация выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.uzmei.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Байметов Рустам Исаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Имомкулов Кутбиддин Бокижонович
доктор технических наук, с.н.с.

Абдувахобов Дилшод Абдувохидович
PhD по техническим наукам, доцент

Ведущая организация:


**Центр сертификации и испытаний
сельскохозяйственной техники и
технологий**


Защита диссертации состоится «30» апрель 2021 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета Ph.D.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 447). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «17» апрель 2021 года
(Протокол рассылки № 9 от «17» апрель 2021 года)




М.Т. Тошболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор


А.А. Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.


А. Тухтакулиев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка технических средств, основанных на снижении энергии и ресурсов и сохранении плодородия почвы. «Если учесть, что в мировом масштабе площадь полей для возделывания сельскохозяйственных культур на гребнях, составляет 120 млн. гектаров»¹, то важной задачей является разработка энерго- и ресурсосберегающих технических средств для обработки почвы с одновременной нарезкой гребней, с высоким качеством работы и производительностью. В развитых по этому поводу странах США, Словении, Российской Федерации, Белоруссии, Китае и в других особое внимание уделяется разработкам и применению комбинированных машин, выполняющих технологические процессы обработки почвы и нарезки гребней за один проход.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий подготовки хлопковых полей к севу семян хлопчатника по нарезанным гребням, особенно полей с гузапаей или убранной гузапаей за один проход и технических средств для их осуществления. В этом направлении, в частности, проведение целенаправленных научных исследований по созданию ресурсосберегающих технологии подготовки к гребневому посеву полей с убранной гузапаей за один проход, разработке схемы комбинированного агрегата, осуществляющего качественное выполнение технологического процесса, обоснованию типа и технологического процесса работы гребнеделателя и его параметров, обеспечивающих ресурсосбережения в процессе взаимодействия его с почвой является актуальным.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по уменьшению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов при возделывании сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и разработке высокопроизводительных комбинированных агрегатов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается, в частности, «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач, в частности важным является получение высоких урожаев сельскохозяйственных культур и снижение их себестоимости за счет технической и технологической модернизации комбинированных агрегатов и машин для подготовки полей с убранной гузапаей к гребневому посеву.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

¹ www.fao.org/docrep/018/i1688ri1688r03.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и УП-5853 от 23 октября 20219 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлении ПП-3459 от 4 января 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению технической оснащенности сельского хозяйства», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

